# АДЛИЯ — КЕНГ МАЪНОДАГИ ҲУҚУҚ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни ташкил қилиш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўзларининг ҳуқуқ доирасида қабул қиладиган ҳамма учун мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий жиҳатдан экспертиза қилиш, вазирликнинг ихтиёрига ўтказилган масалаларга доир қонун ҳужжатларини ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиб, уларни Олий Мажлисга тақдим этиш каби қатор масалалар адлия тизимининг бирламчи ўзига хос вазифалари этиб белгиланди.

## Имконият ва самара

Мамлакатимизда адлия тизимининг ривожига имкон туғдирувчи омиллар мавжуд. Айнан шу имкониятлар боис мазмун-моҳияти билан янги, мустақил, халқаро талаб даражаларига мос бугунги адлия тизими шаклланмоқда. Мазкур имкониятларнинг биринчиси юртнинг мустақилликка эришуви билан бевосита боғлиқ. Ва у исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Зотан, мустақиллик бўлмаганда, табиийки, ислоҳот ва ўзгаришларга изн берилмасди. Яъни, “эски тос, эски ҳаммом”лигича қолаверарди.

Шунингдек, у давр талаби билан ҳам боғлиқ. Янги жамиятга асос солингач, шубҳасиз, адлия тизимида талай ўзгаришларни вазиятнинг ўзи талаб қилди. Жумладан, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳамда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, нотариат, адвокатура, ФҲДЁ органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриш каби муҳим вазифаларнинг давр талабидан келиб чиққани бор гап.

Яна бир омил — бу ривожланган хорижий мамлакатларнинг адлия тизими фаолияти ва тажрибаларини ўрганиш, қиёслаш, ҳамкорлик қилиш, қолаверса, халқаро ҳуқуқ нормалари билан бевосита боғлиқ. Чунки бундай ҳамкорлик ижобий самаралар бериши халқаро ҳуқуқ тажрибасидан ҳам маълум. Мазкур ҳамкорлик жараёнида биз тенглик принципига қатъий амал қилмоқдамиз. Айтиш жоизки, миллий менталитетимизни эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, улардан меъёрий андоза олиш ишимизга наф келтириши шубҳасиз.

Шунингдек, миллий қонунчилигимизни халқимиз турмуш тарзидан келиб чиқиб ривожлантириш ҳам эътиборга моликдир. Олимларнинг эътирофича, ҳар қандай янгилик бу аввал мавжуд бўлган янгиликнинг аниқ ва пухта ўрганилиб, қиёсланиб, таҳлил этилиб, уни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бугунги шарт-шароитларга мослаштириб қайта тадқиқ этилишидир. Адлия тизимини шакллантиришда ушбу ўгитга амал қилинди. Натижада қонунларимизнинг амалда таъсир доираси кенгайиб, фуқароларимизнинг қонунларга бўлган ишончи ошмоқда.

## Ишонч ва масъулият

Бугунги адлия идораларининг фаолияти давлатимизнинг, шахсан Президентимиз И.Каримовнинг диққат-эътиборида эканлигини эътироф этиш адолатдан бўлур эди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида қайд этилганидек, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш ҳамда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби вазифаларнинг амалга оширилаётгани фикримизнинг исботидир.

Бир томондан, давлат бераётган эътибор ва қонуний ваколат, иккинчи томондан, фуқароларнинг ишончи адлия тизими зиммасига чўнг масъулият юклаши мантиқий ҳол. Бизнингча, халқаро тажрибаларга мувофиқ ҳамда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида Адлия вазирлиги фаолиятининг такомиллаштирилиши айни муддао. Ишонч масъулиятни келтириб чиқарганидек, юқоридаги эътибор ва имконият ҳам адлия тизимининг ҳар бир ходимидан ўз вазифасига муносиб бўлишни талаб қилиши шубҳасиз. Тўғрироғи, улар бир-бирини тақозо қилади. Мақсад битта: у ҳам бўлса, босқичма-босқич ислоҳ этилаётган қонунчилик талабларига жавоб бериш. Ҳуқуқни қўллашда адолат устуворлигини таъминлаш.

Адлия идоралари фаолиятининг сифатини оширадиган яна бир муҳим жиҳат — бу қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалий татбиқ этиш асосида ҳам назарий, ҳам амалий асосда иш олиб борилаётганлигида кўринади. Яъни, иш самарадорлигини оширишнинг илмий ечимига эътибор қаратилаётгани ҳам мақсадга мувофиқ. Бу аслида назария ва амалиётнинг мутаносиблиги, омухталашувидир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий қонунчилигимизни ва фуқаролик жамияти институтини шакллантиришда адлия идораларининг ўрни беқиёс.

**Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,**
**ҳуқуқшунос, Адлия вазирлиги ҳуқуқни тарғиб қилиш ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бош маслаҳатчиси.**

---

Касби туманидаги Алишер Навоий номили ширкат хўжалигида спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Косондаги «Қўриққурилиш» очиқ акциядорлик жамияти қурувчилари томонидан барпо эти-

## Мажмуа бунёд этилмоқда

лаётган мазкур иншоотда машғулотлар зали, ювиниш, даволаш хоналари, ошхона ёшлар хизматида бўлади.

— Оромгоҳда футбол, баскетбол майдонлари, теннис корти, ёпиқ чўмилиш ҳавзаси қурилиши ҳам режалаштирилган, — дейди шўъба корхона муҳандиси Зокир Шаропов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ҳозиргача 32 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Спорт-соғломлаштириш мажмуасини келгуси йили Наврўз байрамида фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

---

# Қурилиш боғдан бошланса...

### «Кулиб турадиган уй» мақоласини ўқиб

Яқинда бир дўстимни учратдим. Гап орасида у меҳнат таътилига чиқаётганини айтиб қолди.

— Бирор жойга дам олишга бормоқчимисиз? — сўрадим ундан.

— Дам олиш қаёқда? Қурилиш қилиш керак, — деди у ҳорғин кайфиятда.

— Нима, янги иморат бошлаяпсизми?

— Йўқ! Вақтида калта ўйлаган эканман, — дея дўстим афсус билан бош чайқади. Сўнгра ошхонасини ноқулай қурилганини айтди. — Ёзда унчалик билинмайди, — гапида давом этди у. — Аммо қишда болалар тез-тез шамоллайди. Меҳмон келиб қолса-ку, ташвишимиз ўн чандон ортади. Шунинг учун ошхонани кўчириб, даҳлиз орқали ўтиб-қайтадиган қилмоқчиман.

Шу асно «Халқ сўзи» газетасида ўқиганим — «Кулиб турадиган уй» (2003 йил, 20 август) мақоласи ёдимга тушди. Унда, назаримда, ҳамкасбимни ташвишга солаётган ҳолат сабаблари изоҳлаб берилганди. Чиндан ҳам, иморат пойдевори қўйилаётган пайтда ҳамкасбим қандай қилса, ошхонасининг ниҳоятда қулай бўлишини ўйлаганида афсус чекмасди.

Очиғи, юқоридаги сингари аввал пухта ўйламасдан, ўзи билганича уй-жой қилиб, кейинчалик унинг қайсидир бўлагини қайтадан қуриш ниятида юрганларга кўп дуч келамиз. Ҳатто тиклаган уйларини бутунлай бузиб, бошқатдан қураётган кишилар ҳам учрайди. «Кулиб турадиган уй» муаллифи тўғри таъкидлаганидек, бунинг бош сабаби — уй-жой учун ер майдони ажратилгач, янги ҳовли қураётган кишиларга ўз вақтида пухта лойиҳалар тавсия этилмаётганлигида. Чунки кейинги йилларда ҳар ким хаёлига келтирганича қураётгани юқоридаги каби муаммоларни туғдиради. Иккинчидан, бундай қурилган уйлар қишлоқ ёки маҳалланинг қиёфасини бузади.

Президентимиз шу йил 31 июлда Бухорога ташрифи чоғида Вобкент туманидаги И.Наимов номли ширкат хўжалиги меҳнаткашлари ҳамда вилоят фаоллари билан учрашувда бежиз турар жойлар масаласини ўртага ташламади. Агар иморатни меъмор лойиҳаси асосида, узоқни кўзлаб қурадиган бўлса, бу уйдан нафақат унинг ўғиллари, балки невара-чевараси ҳам фойдаланиш имконияти кўпроқ бўлади. Ахир отаси бунёд этган хонадонда фарзанди, невараси ҳеч қандай турар жой ташвишини чекмасдан

### Қишлоқ меъморчилиги

яшаганига нима етсин. Табиийки, уй қуриш ташвишидан холи фарзанд қимматли вақтини ўз касбининг яхши мутахассиси бўлишга, изланишга сарфлайди. Ҳамкасбимга ўхшаб меҳнат таътилида вақтини уйини бузиб қайтадан қурмай, рисоладагидек ҳордиқ чиқаради ёки режалаштириб қўйган фойдали юмушлари билан машғул бўлади. Пировардида жамиятга кўпроқ наф келтиради. Энг муҳими, оила бюджетида ортиқча сарф-харажатларга ҳожат қолмайди. Ноқулай қурилган уйини қайта таъмирлаш ташвишида юрган киши билан бу муаммоларни аллақачон ечиб қўйган одамни бир кўз олдингизга келтиринг. Уларнинг қайси бирида ўз мақсадларига етишиш имконияти кўпроғу, қай бири моддий жиҳатдан камроқ қийналади?

Тўғри, кўплаб юртдошларимиз яшаш шароитларини эпақага келтириш, уй жойини тиклаш учун қимматли вақтларини аяшмайди. Бироқ бунда улар мақсадларини пишиқ-пухта ўйлаб кейин киришсалар муаммога дуч келишмасди. Демак, бугун «кулиб турадиган уй»лар барпо этаётган, яъни узоқни кўзлаб иморат солаётган замондошларимиз зурриёдларининг келажакда муайян турмуш ташвишларидан холи бўлишлари, яхши яшашлари, янада унумли ишлашлари учун мустаҳкам пойдевор қўймоқдалар. Бу ишлардан жамиятимизнинг эртаси манфаат кўради. Шу нуқтаи назардан қараганда, Юртбошимиз шу масалага алоҳида эътибор қаратаётганлигининг моҳияти ойдинлашади.

Гап якка тартибда бунёд этилаётган шахсий турар жойларнинг бир неча авлодга хизмат қилиши ҳақида борар экан, менинг назаримда, бунда яшаш тарзимиз, менталитетимиз, миллий-маънавий қадриятларимиз инобатга олиниши керак. Меъморлар томонидан тайёрланган лойиҳалар ҳовли саҳнида гулзор, кичик боғ у ерда эса қайси нав токлардан, қанақа мевали дарахтлар кўчатларидан ўтказиши ҳақида ҳам муайян тавсиялар зарур бўлади. Чунки янги ер участкасига кўпчилик дастлаб қўлига тушган турли хил кўчатни ўзи билганича ўтказиб ташлайди. Бунда уларнинг қандай ҳосил бериши у ёқда турсин, унинг кўриниши иморатнинг умумий кўркига қай даражада мос бўлишини ўйлаб ўтирмайди. Орадан йиллар ўтгач эса бундан пушаймон бўлиб ўтқазган дарахтларини арралаб ташлайди. Ўрнига бошқа дарахт кўчатини экади. Ахир, бир ниҳол ҳосилга киргунича қанча йиллар меҳнат талаб қилади. Буни чуқур ўйламаслик етарли тушунча ва билимга эга бўлмаслик ана шундай оқибатга олиб келмоқда.

Юқоридаги фикримнинг акси ўлароқ, ҳовли саҳни ёки атрофида саралаб, сархил мевали дарахтлар, турли узум навларидан ҳавозалар қилган хонадонларни яхши биламан. Бундай кўркам манзара кишига руҳий кўтаринкилик, хушкайфият бағишлайди. Биологик нуқтаи назардан олганда ҳам дов-дарахтлар ҳавони тозалаб беради. У ердан олинадиган ҳосил эвазига эса оила дастурхони ҳамиша мева-чеваларга тўла бўлади. Шинам ҳовли ҳуснига ҳусн қўшиб, бунинг устига рўзғор маъмурчилиги учун ноз-неъматлар улашиб турадиган дарахтлар, шунингдек, бир томонида гулзор бўлганига нима етсин!

Менимча, бу икки жиҳат бир-бирини тўлдиради. Масалага ана шундай ёндошилган тақдирда «кулиб турадиган уй» янада файзли, тароватли қиёфа касб этади.

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**
**Бухоро вилояти.**

---

# Ташриф якунланди

**Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати транспорт вазири Сайид Муҳаммад Али Жовид бошчилигидаги ҳайъатнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.**

Афғонистонда давом этаётган тикланиш жараёнида мамлакатимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, транспорт соҳасида ўзбекистонлик мутахассислар томонидан қўшни халқ заминида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Мозори шариф - Кобул йўналишида 9 та янги кўприк фойдаланишга топширилди. Йўлсозлик ва темир йўлларни бунёд этиш борасида музокаралар олиб борилди.

Афғон ҳайъатининг мамлакатимизга ташрифи чоғида икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалалари муҳокама этилди.

Афғонистон ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов, ташқи ишлар вазири С.Сафоев билан учрашди. Шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” компаниялари ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига ташриф буюрди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, икки давлат ўртасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотиқ соҳаларида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди.

Томонлар транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Термиз ва Мозори шариф шаҳарларида икки давлат автотранспорт муассасалари ваколатхоналарини очиш, Тошкент-Кобул йўналишида паравозларни йўлга қўйиш, мамлакатимизда Афғонистон ҳаво кемаларини таъмирлаш, ёш афғон мутахассисларини юртимиз таълим муассасаларида малака ошириши масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ташриф якунида Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати ўртасида транспорт алоқаларини ривожлантириш тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

**“Жаҳон” АА.**

---



## Уруғликда муаммо бўлмайди

*Қарши туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат хўжалиги деҳқонлари Қашқадарё вилояти аҳолисига ширин-шакар сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бермоқдалар. Шу билан бирга, улар шартнома асосида ушбу экинларнинг уруғларини ҳам тайёрлаб, истеъмолчиларга жўнатадилар. Бу йил эса хўжаликда тажриба тариқасида кунгабоқар экилган эди. Ҳосил мўл бўлди. Бош пудратчи Малла Элбобоевнинг айтишича, ундан мўлжалдаги уруғлик ҳам жамғарилади.*

**СУРАТДА: бош пудратчи Малла Элбобоев кунгабоқар ҳосили чўғидан мамнун.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

---

# САРМОЯЛАР САМАРА БЕРСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сармоядорларга 22,72 миллион АҚШ доллари ва 1,702 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан 37 та корхонанинг умумий қиймати 18,83 миллион доллар ва 450 миллион сўмлик активлари сотилди.

Давлат мулки қўмитаси матбуот хизматидан олинган хабарга кўра, 2003 йилнинг 1 октябрь ҳолати бўйича кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 34,1 фоизни ташкил этди. 260,2 мингта кичик ва ўрта бизнес корхонаси рўйхатга олинди.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони 85,5 мингтага, деҳқон хўжаликлари сони эса 25,7 мингтага етди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга доир кўрилган чора-тадбирлар натижасида республикада 291,3 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, прогноз кўрсаткичлари 124,1 фоизга бажарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ туманлар ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича ўз фаолиятини 1 октябрдан бошлаган 208 инспекция иши ташкил этилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 9 ойлик якунларга бағишланган мажлисида Давлат мулки қўмитасининг хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган прогноз кўрсаткичларни бажариш, иқтисодий ночор корхоналар ва объектларни сотишнинг қулай тизимини жорий қилиш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти мониторинги бўйича иши кўнгилдагидек эмас, деб топилди. Жумладан, кам фойдали, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва объектларини хусусийлаштириш ҳамда сотишнинг қулай тизими секинлик билан жорий этилмоқда. Бошланғич нархни босқичма-босқич камайтириш механизмини қўлланган ҳолда бор-йўғи 12 та акционерлик жамияти акцияларининг умумий қиймати 165,3 миллион сўмлик давлат пакети сотилган, холос.

Тадбиркорларга хорижий кредит линиялари ҳисобидан бериладиган кредитлар ҳажми қарийб икки баравар қисқарди. Масалан, ўтган тўққиз ой мобайнида кичик ва ўрта бизнес субъектларига 30,6 миллион АҚШ доллари ажратилган.

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларига Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси, «Агросаноатбиржа», «Ўзулгуржисавдо» ва «Ўзкўргазмасавдо» орқали моддий-техник ресурсларни етказиб бериш ҳажми пасайган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига қараганда 87,5 фоизни ташкил этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов қатнашди.

**М. БОЛЛИЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

### Ижро интизоми

*Қиш эшик қоқмоқда. Унинг қировли кунларида хотиржам бўлишимиз, масалан, электр энергияси тизимининг муваффақиятли ишлаши, узилишларга йўл қўймаслик учун нима қилиш керак?*

# ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

Энергия хўжалигини мавсумга пухта тайёрлаш, тармоқларда зўриқишнинг олдини олиш, рухсат этилмаган, ясама электр иситиш ва ёритиш асбобларидан фойдаланишга йўл қўймаслик зарур, дейишади мутахассислар.

Ўтган қиш нурчиларга ҳам етарлича сабоқ бўлди. Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилмаган жойларда таъминотдаги узилишлар тармоқ ходимларини ҳам, истеъмолчиларни ҳам оғир аҳволга солиб қўйди. Масалан, Наманган вилоятида мавжуд қувват трансформаторларининг 118 таси ўта зўриқиб ишлаши натижасида чулғамлари куйиб, айни совуқ кунларда панд берди.

— Ана шундай ҳолат қайтарилмаслиги учун эшик қоқиб турган изғиринли кунларга жиддий тайёрландик, — дейди вилоят электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти бош директори Баҳодир Мирзажонов. — Чунончи, юздан ортиқ трансформаторнинг эскирган чулғамлари алмаштирилди, 4600тасининг мойи тўлдирилди. 2400 тармоқдаги синган изоляторлар алмаштирилди. Умуман олганда, 300 миллион сўмликка яқин таъмирлаш ишлари бажарилди.

Таъминотдаги узилиш биринчи навбатда электр қурилмаларининг зўриқиб ишлаши билан боғлиқми? Йўқ, таҳлиллар истеъмолчиларнинг қоронғуда қолишига кўпинча уларнинг ўзлари сабабчи бўлаётганликларини кўрсатмоқда. Мавжуд қоидага кўра, юридик шахс мақомидаги истеъмолчилар фойдаланиладиган энергия ҳақининг 30 фоизини олдиндан тўлаб қўйишлари лозим. Лекин бу тартибга ҳамма бирдай амал қиляптими? Аксинча, юзлаб корхона ва ташкилотлар нурчилар билан ҳисоб-китобни орқага суришгани суришган. Мисол учун, Поп туманидаги «Навбаҳор» ширкат хўжалигини олайлик. Хўжалик раҳбарларининг, хизмат машинаси бир кун тўхтаб қолсин-чи, улар қандай тўполон чиқараркинлар. Бироқ, электр энергиясидан бўлган 52,5 миллион сўм қарзни узиш уларнинг хаёлига келмайди. Чустдаги «Барион» корхонаси директори Шарифжон Эралиев ҳам шундай. Асосан электр энергияси билан кун кўрадиган бу корхона ўнлаб эслатма, ёзишмаларга қарамай, 6,5 миллион сўм қарзини узишни кун тартибидан чиқариб қўйган. Намангандаги «Шифо» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси, «Бинокор» фирмаси, «Бухорогазқурилиш»нинг ваkиллиги сингари қатор истеъмолчиларнинг интизомсизлиги туфайли бугун вилоят энергетика тизимидаги дебиторлик қарзи 1 миллиард сўмдан ошиб кетди. Энди айтинг-чи, бундай қарз билан қишни чекловларсиз ўтказиш мумкинми?

Тўғри, нурчилар республика Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида талабни ўта қаттиқ қўймоқдалар. Жумладан, тўлов муддатлари ўтиб кетган истеъмолчиларни тармоқдан узиб қўйиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Аммо шундай ҳолатда ҳам қоидабузарликни давом эттираётганлар борлигига нима дейсиз? Масалан, Намангандаги «11-автобус саройи» ҳиссадорлик жамиятига қарзини тўламагани учун энергия бериш тўхтатилди. Тўлаш чорасини қилишгандир, дерсиз. Қаёқда, корхона энергетиги Обиджон Иномов устаси фаранглардан экан. Энергия сотиш бўлими муҳандислари узоқлашмай туриб, ўзбошимчалик билан тармоқни улаб олибди. 3 миллион 300 минг сўм қарздор бўлган «Уйчиқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятидагилар ҳам шундай номақбул йўл тутишни афзал кўришган.

Электр қувватидан ўғринча фойдаланиш, унинг ҳақини тўлашни пайсалга солиш ҳолатлари аҳоли ўртасида ҳам жуда кўп. Давлатобод туманида яшовчи Эркинжон Ғафуров шундай шахслардан. У электр ҳисоблагичнинг давлат муҳрини бузиб, энергиядан истаганча фойдаланган. Чуст туманидаги Ахча қишлоғи фуқароси С.Жабборов эса ҳисоблагичдан ташқари яширин розетка улаб, катта миқдорда ўғрилик қилган. Косонсой туманида истиқомат қилувчи тадбиркор Маҳмуджон Қорабоев эса электр тармоғи ҳисоблағичининг давлат муҳрини бузиб, кўрсаткичларни камайтираётганда ушланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин ва айблорлар тегишлича жазо олдилар.

Олмоқнинг бермоғи бор. Бу ҳақиқат электр энергияси истеъмолчиларига кўпроқ тегишли. Боиси, вилоятга етказиб берилаётган энергиянинг узлуксизлиги айни унга тўланадиган ҳақни ўз вақтида ундирилиши ва энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиб берилишига боғлиқ. Кузги-қишки мавсумда жорий этилаётган чекловлар эса худди шу мажбурият бажарилмаётганидан келиб чиқяпти.

Чироқ ўчмасин, дейсизми? Унда нурчиларнинг ёнига киринг. Қарс икки қўлдан чиқишини эътиборга олиб, энергиядан фойдаланиш бўйича ҳисоб дафтарчангизга қаранг. Вақт келибдими, пулини тўланг. Шунда ишингиз тўхтаб, асабингиз бузилмаслигига тармоқ меҳнатчилари тўла кафолат беришади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# АТИРГУЛ — ЭКСПОРТГА

*Тез орада Ўзбекистонда етиштирилган турфа рангдаги атиргуллар дунёнинг кўплаб мамлакатларида уйлар ва офисларни безайди. Тез орада улар республикамизнинг экспорт маҳсулотларидан бирига айланади. Ҳамма севадиган гулнинг ноёб навлари бугун Тошкент давлат аграр университети иссиқхоналарида етиштирилмоқда. Бу фаолиятни ривожлантириш учун ТДАУ қошида "Аграр технологиялар" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг муассислари орасида университетнинг ўқув илмий-ишлаб чиқариш хўжалиги, Швейцариянинг "MPC International Investments & Consultants GmbH" компанияси ва унинг "Ўзмедкоттон" шўъба корхонаси ҳам бор.*

— Қўшма корхонамизнинг ташкил этилиши республикамиз учун тубдан янги экспорт йўналиши — гулчилик тармоғини ташкил этиш йўлида биринчи қаламдир, — дейди Тошкент давлат аграр университети ректори Ҳасан Бўриев. — Корхона кичик ҳажмли гидропоника ва томчилаб суғоришнинг энг илғор технологияларидан фойдаланган ҳолда иссиқхоналарда атиргул етиштириш билан шуғулланади. Унинг фаолияти асосида университетимиз олимларининг ўсимлик янги навларини яратиш бўйича амалиётчи гулчилар билан бирга олиб борилган кўп йиллик илмий-ишлаб чиқариш ишлари ётади.

Бугунги кунда атиргул ҳаваскорлар ва мутахассислар орасида жуда машҳур. Дунёга машҳур гулчилик мамлакати — Голландия ҳозирги вақтда уни етиштириш учун 1 минг гектардан ортиқ иссиқхоналарга эга. Атиргулнинг Европа экспорти 2002 йилда 1,6 миллиард донани ташкил этди. Дунё бўйича йирик атиргул ишлаб чиқарувчилар қаторига Африкада Кения ва Замбия, Осиёда Исроил, Жанубий Америкада Эквадор ва Колумбия киради. Гибридлашув натижасида атиргулнинг 25 мингдан ортиқ нави яратилган. Бу боғ ўсимлиги хушбўй ҳиди, рангларининг бойлиги ва нафислиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимиз ва чет эл мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистонда атиргулни саноат йўли билан етиштириш катта салоҳиятга эга. Республикамизнинг географик жойлашуви ва қулай иқлими бунга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими иссиқхоналарда иситиш муддатининг қисқалигига эришиш имконини беради. Бу эса иссиқлик энергиясини анча тежашга ёрдам беради. Йил давомида қуёшли кунларнинг кўплиги куз-қиш даврида сунъий ёритиш заруратига ўрин қолдирмайди. Умуман олганда, буларнинг ҳаммаси атиргулларни етиштириш таннархини Россия ва Европадагидан кўра анча пасайтириш имкониятини яратади.

Қўшма корхонамиз Германиянинг таниқли “Rosen Tantau” компаниясидан 4 минг туп кўчат сотиб олди. Қўшма корхона фаолиятининг техник-иқтисодий асоси ишлаб чиқилди, унга мувофиқ тез орада умумий қиймати 750 минг АҚШ долларига тенг энг замонавий ускуналар, кўчатлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиб оламиз. Атиргул етиштириш жараёни узлуксиз бўлади. Томчилаб суғориш тизимининг қўлланиши сув ва минерал ўғитларни тўғридан-тўғри ўсимликнинг илдизига керакли вақтда ва зарур миқдорда етказиб бериш имкониятини яратади.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, бир йилдан кейиноқ қўшма корхона маҳсулоти хориж бозорларида пайдо бўлади. Лойиҳанинг амалга оширилиши ҳар гектардан камида бир миллион дона атиргул олиш имконини беради. Музлатиш, ўрашнинг самарали услубларидан фойдаланиш ҳамда маҳсулотимизни ҳаво транспорти орқали ташишни йўлга қўйиш туфайли гулларнинг 80 фоиздан ортиғи экспорт қилинади. Таъкидлаш жоизки, саноат йўли билан гул етиштиришга сарфланган инвестицияларнинг қопланиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан анча юқори.

Қўшма корхона асосий фаолият йўналишидан ташқари ўсимликшуносликнинг бошқа йўналишлари билан шуғулланишни режалаштирмоқда. Бунинг учун Германиянинг “Байер АГ” фирмаси билан бирга ўсимликларни ҳимоя қилишнинг илмий асосларини амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисида келишиб олинди. Бу лойиҳани амалга ошириш натижалари, аввало фермерлар ва мамлакатимиз иқтисодиётининг қишлоқ хўжалик тармоғи кичик бизнеси вакиллари учун фойдали бўлади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Шеърхонлик

Қуёш ҳовуридан тушиб, ҳаводан пишиқчилик нафаси келиб қолган август адоғида "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталаримизнинг муштарийлар билан учрашувларини ўтказиш учун Самарқанд орқали Шаҳрисабзга ўтдик. Учрашувлар самимий, кўтаринки ўтаётгани боис, кайфиятимиз ҳам шунга яраша эди.

Одатда, даҳолар ўтган жойлардан мўъжиза кутилади. Қадамжолар, азиз жойлар шу сабабдан гавжум бўлса керак.

Қашқадарёдан чиққан буюкларимизни санашга бармоқ етмайди. Худога шукур!

Газетхонлар билан мулоқотлар қизғин: ютуқлар қаторида камчиликлар ҳам очиқ айтиляпти, таклифлар, мулоҳазалар билдириляпти, ҳаммаси жойида, кўнгилдагидек. Лекин нимадир етишмаётгандек туюларди менга. Шу пайт бир истарали аёл сўз олди ва қўнғироқдек товушда шеър ўқий бошлади. Бу оҳангларда Темурбек тулпорининг дўпири, чанқовуз чорлови, қамишлар шитири, тўрғай ноласи, хуллас, юракка яқин овозлар, биз соғинган туйғулар бор эди.

Мен кутган мўъжиза шу эди!

Кўнглим тўлди, кўнглим ўсди!

Устозларнинг, "Ҳар кимнинг ҳам истеъдоди бор, фақат тарбия ва эътибор керак", деганлари эсимга тушди. Ўйладимки, бу эътибор мавсумий, хўжа кўрсинга эмас, беғараз ва холис бўлса.

Мушоира давом этяпти.

Абдулла Орифдек даҳони берган тупроқда шеър эшитмасанг, ҳаёт ҳаёт бўлибдими?!

Учрашувларда ижодкорлар билан гаплашиб, шеърларини бизга етказишларини илтимос қилдик.

Мана, ниҳоят уларнинг машқи битилган дафтарлар қўлимизга етди.

Биз ҳам ўз навбатида бу кўнгилдан кўчирмаларни Сиз азиз газетхонларга тақдим этяпмиз.

**Иқбол МИРЗО**

## Она, тақдир экан...

*Она, тақдир экан, кетдим йироқлаб,*
*Манзилин йўқотган йўловчи янглиғ...*
*Энди боролмайман бир неча ойлаб,*
*Соғинч соясида рангларим сариқ...*

*Ҳисор тоғларида унган лоламан,*
*Болалик — тонг билан сирлашган шабнам.*
*Йиллар ўтиб , мен ҳам энди Онаман,*
*Меҳру- муҳаббатга тўла остонам.*

*Қўмсайман эртакка айланар бахтни,*
*Ёмғирдек қуйилган орзумга қайтсам...*
*Ҳижронлар қуритган висол дарахтни,*
*Онажон, дардларим кимларга айтсам?!*

*Қўмсайман Оқ дарё оқар шарқираб,*
*Пинҳона сирларим айтган чоғларим...*
*Мавжли тўлқинига ғамларни ўраб,*
*Ювсам- да кетмаган юрак доғларим...*

*Она, сиз узоқда, энди юрт олис,*
*Қалбим забт айлаган хаёл уммони.*
*Сувлар ортга қайтмас, ёшлик ҳам эссиз...*
*Фақат юпанч бўлар "Йиллар армони".*

*... Сабр қанотига уззу тун миниб,*
*Онажон, бораман иссиқ бағрингга.*
*Қисмат ёзиғига қолганман кўниб,*
*Бўйсуниб яшайман юрак амрига!..*
*Она, тақдир экан...*
*Кетдим йироқлаб...*

**Зулайҳо АВЛАЕВА,**
**ўқитувчи.**

## Болалигим...

*Чанг кўчада қувончлари қолиб кетган,*
*Юрагимга ўчмас бир чўғ солиб кетган,*
*Беғубор у онларимни олиб кетган,*
*Оқ орзудан либос кийган Болалигим!*

*Онам берган иссиққина кулча ноним,*
*Қанд, майизга тўлиб турган дастурхоним,*
*Гар айб қилсам, кечирган илк меҳрибоним,*
*Оқ орзудан либос кийган Болалигим!*

*Гуноҳ деган сўздан доим бўлган йироқ,*
*Адашганда йўлим узра мисли чироқ,*
*Йиллар ўтиб ташлаб кетган мени бироқ,*
*Оқ орзудан либос кийган Болалигим!*

*Соғинаман... Доим сенга қайтгим келар,*
*Юрак тўла дардларимни айтгим келар,*
*Лекин бу Вақт қай манзилга чопиб елар?!*
*Оқ орзудан либос кийган Болалигим!*

**Насиба РАЗЗОҚОВА,**
**ўқувчи.**







*Ичга сиғмас ғайратлари,*
*Покизадир сийратлари,*
*Гўзал, ширин сувратлари —*
*Ўзбегимнинг дилбандлари.*

## Ҳозиқ табиб демишки...

Тўрт нарса сиҳат-саломатликни сақлайди: иштаҳа келганда овқат емоқ, оғир нарсаларни кўтаришдан тийилмоқ, ҳаракат ва ҳаракатсизликни меъёрида тутмоқ ва ўзидан ғамни қувмоқ.

Тўрт нарса ҳаёт лаззатини сўндиради: юрган ҳолда яна юриш, йўлдаги азоб ва қийинчилик, ўргатилмаган отда юриш ва ёш йигитнинг қари хотинга уйланиши.

Тўрт нарса кишининг юрагига куч бағишлайди: илмли устод, яхши дўст, мувофиқ хотин ва давлату иқболга етказувчи зукко ақл.

Тўрт нарса борки, уларнинг ози ҳам кўп. Булар касаллик, олов, душман ва қарздир..

Саломатлик кунда керак

Икки нарсага одамлар доимо муяссар бўлишга интиладилар, аммо бу икки нарса доимо муяссар бўлавермайди. Булардан бири саломатлик бўлса, иккинчиси тинчликдир.

***

Тозалик саломатликнинг энг биринчи сабаби ва иллатлардан қутулишнинг қутлуғ йўлидир. Тозалик баданнинг қувватини кўпайтиради, гўзаллигига гўзаллик қўшади

***

Тунда ухлагач, кундузи яна ухлаш умрни завол қилишдир.

***

Кимки мулойим бўлса, саодатли бўлади, кимки камгап бўлса, саломат бўлади.

**Саид ОЛИМ тайёрлади.**

# GURUNG

Жаҳон адабиёти дурдоналари

**О.ГЕНРИ**

## «ДОКТОР» ПИТЕРСНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

ҲИКОЯ

Жофф Питтерс турли йўллар билан пул қилишга устасифаранглардан эди. Мен айниқса унинг ёшликдаги ҳикояларини тинглашга ишқибоз эдим.

— Кунлардан бир кун «Балиқчилар тоғи» деб аталадиган жойга бориб қолдим, — дея навбатдаги ҳикоясини бошлади у. — Ўшанда мен гўё машҳур ҳиндулар табиби Воф—Ху сифатида танилгандим. Қўлимда эса ўзим кашф этган "Касалларга қайта ҳаётбахшловчи дамлама" дорисидан бўлак ҳеч нарсам бўлмасди.

Шаҳарчага келгач дорихонадан анча-мунча шиша идишларни қарзга олиб турдим. Ёрлиқлар ва бошқа керакли нарсалар эса жамоданимда олдиндан тайёрлаб қўйилганди. Хуллас, ишларим юришиб кетгандек. Йўқ, мен одамларни унчалик лақиллатмасдим. Дори фақат сувдангина иборат эмасди. Унга икки долларлик хинин ва анилин қўшардим. Одамлар бу дорини худди вегетарианлар тушлигида гўштли бутербродга дуч келгандек талашиб олишарди. Аммо...

Савдо юришиб турган бир куни кимдир енгимдан тортиб қолди. Қарасам полисмен. Аравачадан шартта тушиб чаққонлик билан чўнтагига беш доллар солиб, дедим:

— Қандай ажойиб кун, констабель, тўғри эмасми?

—Бу бемаза дорингни сотишга шаҳар идорасидан рухсатномангборми?,— деб сўради у хўмрайиб.

— Йўқ, олмаганман,— дедим безовталаниб,— мен бу ернинг шаҳар эканлигини билмабман. Агар эртага уддалай олсам, албатта патент оламан.

— Аммо, мен унгача сенинг савдоингни тақиқлашга мажбурман,— деди полисмен бунга жавобан.

Эртасига шаҳар мэри қабулига бордим. Афсуски унинг қаергадир кетганлигини ва қачон бўлиши номаълумлигини айтишгач, яна меҳмонхонага қайтиб келишга мажбур бўлдим. Бир пайт хонага кимдир соат нечалигини сўраб кириб қолди.

— Ўн ярим, — дедим астагина. Шунда мен уни таниб қолдим. —Ў—ў-ў, Энди Таккер, бу сизми?

Таккер қобилиятли қаллоб эди. Менга шерик излаётгандим. Биз тезда тил топишиб анча вақтгача суҳбатлашиб ўтирдик...

Эртаси куни соат ўн бирда хонага қандайдир Том тоға кириб келди ва шаҳар мэри — судья Бэнкс касал бўлиб қолганлиги, доктор зарурлигини айтиб қолди.

— Доктор эмасман, — дедим хотиржам, — нима учун докторнинг эмас, менинг олдимга келдингиз?

— Оҳ, жаноб, — деди Том тоға, — шаҳардаги ягона доктор Хоскин йигирма миль узоқдаги қишлоққа касал кўргани кетганди. Судья Бэнкснинг эса аҳволи чатоқ... У мени олдингизга жўнатди. Шахсан илтимос қилди, юринг мен билан.

Чўнтагимга «Касалларга қайта ҳаёт бағишловчи дамлама»дан жойлаб мэрнинг данғиллама ҳовлисига кириб бордик. Мэр Бэнкс тўшакда шунчалик инқиллаб ётардики, агар эшитганида бутун Сан-Франциско аҳолиси ер қимирлаяпти, деб ўйлаши тайин эди. У ётган кроват ёнида ёшроқ бир жаноб идишда сув ушлаб турарди.

— Доктор, — деди бўғилиб мэр, — аҳволим оғир, ўлиб қоламан. Ёрдам беринг.

— Жаноб мэр, — дедим бироз хижолат тортиб, — мен ўзимни Эс Ку Лаппанинг ҳақиқий шогирди дея олмайман. Ҳеч қачон университетда тиббий фанларни ҳам ўрганмаганман. Олдингизга эса оддий инсонгарчилик юзасидан келдим. Қандай ёрдамим тегиши мумкин?

— Сиздан ғоят миннатдорман, доктор Воф-Ху — деди инқиллаб мэр, — мана бу ёнимдаги жияним мистер Бидл. У менга ёрдам беришга ҳаракат қилди, аммо фойдаси бўлмади. — Э, худо, вой, вой-эй — қичқириб юборди у.

Мен мистер Бидлга енгил таъзим қилиб беморнинг ёнига ўтирдим.

— Жигарингизни... Э-э, йўқ, тилингизни кўрсам бўладими, — дедим мен. Сўнг унинг қовоғини кўтариб кўз қорачиғига узоқ қарадим.

— Қачон оғриб қолдингиз, — сўрадим жиддий.

— Оғриқ кеча... вой, вой... тутиб қолди, — деди яна инқиллаб мэр. — Доктор, тезроқ бирорта дори берсангизчи, ўлиб қоламан.

— Жаноб мэр, — дедим унинг ўнг курагига қулоғимни тутиб, — сиз даҳшатли даражада шамоллагансиз, бу клавикула клавикордиала дейилади.

— Эй, худойим, — инграндиу, — бирон нарса суркаб, ичирса бўлмайдими, умуман иложи борми?

Мен индамай шляпамни кийиб эшик томонга юра бошладим.

— Қаёққа кетаяпсиз? — қичқирди мэр. — Сиз ўша клавикордиалингиздан ўлиб кетишим учун мени ёлғиз ташлаб кетмассиз?

— Сиз беморни бундай аҳволда қолдириб кетмаслигингиз керак, доктор Хоча-Хо... — деди Бидл ҳам секингина.

— Доктор Воф-Ху, — дея тўғриладим уни ва беморнинг ёнига қайтиб жиддий оҳангда шундай дедим:

— Жаноб мэр, сизнинг фақат биргина умидингиз қолган. Дори-дармонлар ҳозир сизга кор қилмайди. Аммо уларнинг барчаси ўрнини босиб кетадиган бир нарса бор. Албатта, у анчагина қиммат туради...

— Нима у, доктор, айта қолинг, — шошиб сўради мэр.

— Фан пролегомени, — дедим астагина, — ақлнинг тана устидан ғалабаси. Мен масофадан туриб ишонтириш орқали онгни даволаш ҳақидаги буюк доктрина ҳақида сўз юритаяпман.

— Сиз мени гипноз билан даволайсизми, доктор? — сўради ялинчоқ оҳангда мэр.

— Менинг гонорарим икки юз эллик доллар, — дедим жиддий, — икки сеансда шифо топишингизга кафолат бераман.

— Яхши, — деди мэр, — розиман, фақат тезроқ бошланг.

Мен унинг ёнига ўтириб, кўзига тик қараб сеансни бошладим:

— Сиз соғломсиз. Сизнинг юрагингиз ҳам, қовурғангиз ҳам, миянгиз ҳам — ҳеч нарсангиз йўқ. Сиз ҳеч қандай оғриқни ҳис этмаяпсиз... ҳис этмаяпсиз.

— Ҳа, доктор, мен ростдан ҳам ўзимни анча енгил ҳис этаяпман. Давом этинг, давом этинг...

Мен эртасига келишилган вақтда яна келдим. Мэрнинг кўриниши ва томир уриши бинойидек эди. Иккинчи сеансдан сўнг у ҳеч қандай оғриқ қолмаганини таъкидлади.

— Энди, ётиб бир-икки кун дам олинг, — дедим мен. — Бахтингизга мен тасодифан шаҳарчангизга келиб қолган эканман. Акс ҳолда тиббиётдаги ҳеч бир восита сизга ёрдам беролмасди. Энди ёқимлироқ мавзуда, масалан, 250 долларлик гонорар ҳақида суҳбатлашсак. Илтимос, фақат чек керакмас.

— Йўқ, йўқ, менда нақд, — дея мэр ёстиғи тагидан пулни чиқариб берди. — Бидл, марҳамат доктордан тилхат олиб қўйсангиз.

Мен пулни ички чўнтагимга яхшилаб жойлаб хайрлашмоқчи бўлдим. Шунда мэр «жияни» Бидлга қараб деди:

— Сержант, ўз вазифангизни бажаришга киришинг.

Бидл «тап» этиб қўлини елкамга қўйди ва деди:

— Сиз штат ҳокимиятининг рухсатисиз тиббиёт билан шуғулланганингиз учун ҳибсга олиндингиз.

— Кимсиз? — дедим ҳайратомуз унга қараб.

— Унинг кимлигини мен айтаман, — деди мэр. — У штат Тиббиёт жамияти хизматидаги изқувар. Бир неча кундан бери изингизга тушган. Бидл олдимга келиб сиз ҳақингизда гапириб берди. Биз сизни тутиш учун биргаликда режа тузиб чиқдик. Ўйлашимча, сизнинг амалингиз бизнинг жойларга умрбод ўтмайдиган бўлди, жаноб муттаҳам! Ҳа-ҳа-ҳа!

— Мен сизни шерифга топширишга мажбурман, — деди Бидл. У қўлимга кишан солиб чўнтагимдан ҳозиргина олган пулни чиқарди.

— Бу сиз билан кеча атайлаб белгилаб қўйган пулларимиз, жаноб мэр, — давом этди Бидл, — мен шериф олдида гувоҳликка ўтиб, буни ўша ерда ашёвий далил сифатида қолдираман. Уни кейинчалик оласиз.

— Яхши, жаноб Бидл, — деди мэр. — Энди айтингчи, доктор Воф-Ху, нега энди ўш сеҳрли магнетизмингиздан фойдаланмаяпсиз? А, лаббай?

— Кетдик сержант, — дедим мағрур оҳангда, — пешонада борини кўрамиз. Сўнг чиқаётиб қайрилиб дедим:

— Жаноб мэр, яқин вақт ичида шахсий магнетизм сизнинг ҳукуматингиздан ҳам кучлироқ эканлигига амин бўласиз. Сиз унинг ғалаба қилишини кўрасиз.

Ҳақиқатан у ғалаба қилди. Биз дарвозага етгач, изқуварга дедим:

— Таккер, бас етар, қойиллатдик, қўлимдаги кишанни еч, ўтган-кетганнинг олдида бундай юриш ўнғайсиз.

Ҳа, бу ўша менинг шеригим Энди Таккер эди. Барча режани айнан у ўйлаб топганди. Биз шундай қилиб ҳамкорликда ишбилармонлик учун пул топгандик.

**Рустам БОЙТЎРА таржимаси.**

## Ким кучли?

Ер юзида энг кучли ҳайвон қайси деганда, одатда фил деб жавоб берилади. Бу жонивор 12-15 тонна бўлиб, ўзининг вазнига нисбатан 3-4 баробар оғир юкни судраши мумкин. Лекин дунёда ҳамма нарсанинг нисбийлиги илгаридан маълум. Масалан машқ қилиб юрган одам 400 кг оғирликдаги харсанг тошни думалатиши мумкин. Бу эса одам вазнига нисбатан 5-6 марта каттадир. Чумолилар янада кучлироқ экан. Улар ўзининг вазнига нисбатан 50 марта оғирроқ нарсаларни ташиб келиши мумкин. Қўнғизлар эса ўзига нисбатан 100 карра оғир жисмларни судраб келади.




Арслон эса йиртқич сутэмизувчилардан. Эркак арслоннинг бўйни ва кўкрагини қоплаган ёли уни улуғвор ва кўркам қилиб кўрсатади. У очлигида, ярадор бўлганида одамга ҳамла қилади. Одам гўштининг мазасини билиб қолган арслон одамхўр бўлиб қолади. Одамлар арслонни энг кучли йиртқич ва барча ҳайвонларнинг подшоси деб аташга ўрганиб қолганлар. Лекин уни ҳамма ҳайвонлардан кучли деб бўлмайди. Йўлбарснинг арслондан ҳам кучли экани аниқ. Лекин шуниси ҳам борки, йўлбарс билан арслон орасида тўқнашув юз бериб, улар уришиб қолгудай бўлса, бунда кўпинча арслон жароҳат олади. Агарда уларни ўз вақтида ажратилмаса, йўлбарс арслонни ғажиб ташлаши ва ҳалок қилиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам йўлбарснинг хатти-ҳаракатини кузатганда унинг анча чаққон, эпчил ва тезкор мушук эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Кези келганда ҳайвонот боғида содир бўлган кичик бир воқеа ҳақида икки оғиз сўз: Польшанинг Вроцлав шаҳрида истиқомат қилувчи Адам исмли болада йиртқич ҳайвонларни овлаш ҳаваси уйғонади. Бир куни Адам онаси билан ҳайвонот боғига ташриф буюради. Боққа киришдан аввал ёш овчи ўзича тайёргарлик кўради. У мустақил равишда ов қиладиган ёй ва беш дона ўқ тайёрлайди, ов анжомларининг ҳаммасини эгнидаги кийими тагига яширади. Боққа кирган эса онасини йиртқичлар катаги томон юришга ундайди. Улар олдига келгач, Адам онасининг кўзини шамғалат қилиб шоша-пиша ёйни олиб ўқлайди-да мўлжалга ҳам олмасдан йўлбарс томон отади. Болакайнинг омадини қарангки, ўқ жуда аниқ отилган экан. У тўппа-тўғри йўлбарснинг кўзига бориб қадалади. Йўлбарснинг бўкириши боғни ларзага солади ва жонивор кўзидан маҳрум бўлади. Бунинг эвазига Адамнинг ота-онаси суд қарори билан ҳайвонот боғига 120 миллион злотих ҳажмида жарима тўлашади....

**Яҳё ДАВЛАТОВ,**
**олим.**

Янгисидан

## ЮВАЙЛИК

Аҳмаджон ака ишдан кетди-ю, қўшним Сотимбек мени унинг ўрнига ишга таклиф қилди.

— Бошлиқ рози бўлса, сиз хўжалик мудири бўласиз, — деди.

Мен рози бўлдим. Бошлиқ Ҳусанбой ака жуда мулойим, ширинсўз киши эди.

— Ишингиз қуллуқ бўлсин, укажоним. Бу лавозим сизгагина лойиқ. Мазза қилиб ишлайверинг, қўл остингизда тўртта қоровул, олтита фаррош, иккита боғбон. Сизга ҳеч ким халақит бермайди. Мен ёрдамчингизман, билиб қўйинг.

Мен хурсанд, оғзим қулоғимда уйга чопдим.

— Хотин ишга кирдим. Яна дегин институтга хўжалик мудири бўлдим.

— Хайрият. Ўзингиз ҳам ишсиз жуда қийналиб кетувдингиз. Табриклайман. Ҳа айтгандай, маоши қанақа экан?

Хотин зоти борки, пулини билмагунча кўнгли жойига тушмайди.

— Йигирма минг, — деб юбордим, гердайиб.

— Намунча кам? — деди хотин худди ўзи 50 минг оладигандек.

Индамадим. Эртасига ишга бордим. Кунлар ўтаверди. Ниҳоят, маош оладиган кун келди. Бир ойда бир марта олинаркан. Менга ўн етти минг берди. Хурсанд бўлиб кетдим. Шу пайт бошлиқ чақириб қолди.

— Турсунбой, ишлар яхши кетяптими? Қийналмаяпсизми? Энди денг, укажон, баъзи удумларимиз ҳақида айтишим керак. Бизда биринчи маошни ювиш одати бор. Уни қилмасангиз ходимлардан гапга қоласиз. Шунинг учун...

— Албатта, ювамиз, Ҳусанбой ака. Қачон ювай?

— Бугун-де, ука. Байрамингиз бугун-ку!

— Қанақа байрам?

— Биринчи маош олган кун байрам эмасми?

Шу бўйи бошланди. Ҳатто ишхонага янги пайпоқ ҳам кийиб боролмай қолдим: албатта ювиш керак. Тўйиб кетдим.

Институтимизнинг Муталжон исмли лаборанти ҳам менга ўхшаб ҳар сафар арзир-арзимас нарсалар баҳона «ювиш»га мажбур қилинаркан. Шу боис, у мен томонда эди. Гаплашиб қолганимизда ҳасратимиздан чанг чиқарди. Миямга ажойиб фикр келди. Уни лаборант биродаримга айтдим, у қўллаб-қувватлади ва шу заҳотиёқ мен уйга, у бошлиққа кириб менинг оғир аҳволда эканимни айтди. Нима қилдим, денг? Хат ёздим. Унда: «Ҳурматли бошлиғимиз Ҳусанбой акага! Пешонада шу бор экан, боқий дунёга равона бўляпман. Васиятим ва менинг сиздан сўнгги илтимосим — ўлганимдан сўнг мени ювиш ва кафанлашни сиздай ажойиб бошлиқ раҳбарлигида қилишларини хоҳлайман. Иштирок қилмасангиз рози бўлмайман ва тобутда тик тураман», деб ёзилган эди. Хатни Муталжонга бердим. Эртасига доктор билан келишиб ухлатадиган доридан кўпроқ ичиб юбордиму «ўлдим». Лаборант дўстим тезлик билан бу хабарни институтга етказади ва бошлиққа хатимни беради.

Бечора бошлиғимиз хатни ўқиб қандай аҳволга тушган экан, бу менга қоронғу, лекин мен «ўлиб» ётибман. Бошимда Муталжон ўтирди. Хотиннинг юраги ёрилиб ўлмасин деб онасиникига болалари билан жўнатганман. Жанозага одам йиғила бошлади, шекилли, ола-ғовур бошланди.

«Хўжайин, келяпти, хўжайин!» деган товушлар пастдан эшитилдию, Ҳусанбой аканинг йиғига ўхшаган, «Бандалик, тоға, жиянни ҳам бериб қўйибсиз» деган овози келди. Ёлланган «амаким» ҳам йиғи оҳангида: «Марҳумнинг васиятини бажармоқ тириклар учун ҳам қарз, ҳам фарз. Унинг чиройли баданини поклаш сизга юклатилди. Бу ҳам мурувват. Бошқа кишига ёки ювғичга бу ишни топширолмаймиз. Қўшни билан уни поклаб чиқинглар», дедию келганлар таъзиясини қабул қила бошлади.

Бечора Ҳусанбой ака қандай аҳволга тушганини кўролмаганим учун роса ачиндим. Лекин бирор дақиқа ўтиб хонага икки-уч киши кирди.

— Иссиқ сув олиб келайми, хўжайин? — дея қўшним Сотимбекнинг овози эшитилди.

— Билмасам, олиб киравер-чи, уни қандай ювамиз? — деб сўради Ҳусанбой ака.

Мен ўз «рол»имни бузиб, «Ҳар сафаргидек ювамиз-да!» деб юборибман. Қўшним челакни ҳам ташлаб хонадан отилиб чиқиб кетди. Ҳусанбой ака ранги пахта бўлиб оқарганча, полга қулади.

Кейин нима бўлди, дерсиз. Зўр томошалар бўлди. Энг асосийси, Ҳусанбой акаям, қўшним Сотимбек ҳам умуман «ювамиз» деган сўзни ишлатмайдиган бўлишди.

**Тўлқин МУҲИДДИН.**

## Пистачақар балиқлар

Нурота — азиз-авлиёлар, сирли мўъжизалар, хазиналар юрти. Табиатини, сир-асрорларга тўла афсонавий гўшаларини кўриб лол қоласиз. Муқаддас шифобахш булоғи таърифини кўпчилик эшитган. Бутун шаҳар Оқтов деб аталувчи тоғдан оқиб чиқувчи Нур булоғидан сув ичади. Мафтункор «Чашма» тарихий мажмуи ёнида туриб тип-тиниқ сувдаги ғуж-ғуж балиқларга боқаркансиз, ҳайратингиз ошаверади...

Қадимда шундай дейишган: «Муқаддас Нуротага таъзим қилишни истасангиз, аввал Деҳибаландга таъзим қилинг». Деҳибаланд — Нурота йўлидаги қияликнинг кўтарилиш қисмида жойлашган қишлоқ. «Юқоридаги қишлоқ», «баланд қишлоқ» маъноларини англатади. У Нуротанинг йўлида бўлганлиги учунгина эмас, балки Нуроталек муқаддас ва хушманзаралиги учун ҳам шундай дейилади.

Агар Нуротада битта муқаддас булоқ бўлса, Деҳибаландда улар учта. Ҳаммасида ҳам «Авлиё» балиқлар сузиб юрибди. Яқин-яқингача аҳоли уларни «маринка» дейишган. Тўрт фаслда ҳам булоқларни тарк этмайди. Таъкидлашларича сувнинг софлиги, биллурдек тиниқлигини таъминловчи восита ҳамдир. Устига белги қўйилган бир балиқни Деҳибаландду Нурота булоқларида учратиш мумкин дегувчилар бор. Айни пайтда улар давлат муҳофазасида. Балиқларнинг ғалати бир хислати одамни ҳайрон қолдиради. Кўз олдимизда писта чақиб ажойиб томоша кўрсатади-я?!



Булоқ бошида икки-уч зиёратчилар шундай «томоша»дан завқланишарди. Ёш йигит кафтидаги пистадан оз-оздан сув юзига сочарди. Ҳар сочганда булоқ тўлқинланиб кетарди. Бир зумда балиқлар галаси сув бетида пайдо бўлади-ю, пистани чақиб, пўчоғини «керак бўлса ол» дегандек юзага чиқариб ташлайди. Ҳар гал писта сочилганда шундай ҳол давом этаверади. Булоқ суви тез оқувчан. Писта пўчоқлари катта трубалар орқали чиқиб кетаверади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ.**

Саҳифа учун Саид АНВАР масъул.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0066. 22589 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 2 3 4 5 6